

Қуръони карим дарслари (123-дарс) «Тайсир»даги етти қироатнинг санади



13:30 / 09.02.2021 2561

Имом Абдуллоҳ ибн Омир аш-Шомий қироати.

1) Ундан Ибн Заквоннинг ривояти:

«Бизга ундан Муҳаммад ибн Аҳмад хабар берган. У «Аҳмад ибн Мусо ибн Мужоҳид хабар берган», деган. У айтганки:

«Аҳмад ибн Юсуф ат-Тағлибий хабар берган. У айтганки:

«Абдуллоҳ ибн Заквон хабар берган. У айтганки:

«Абу Айюб ибн Тамим ат-Тамимий хабар берган. У айтганки:

«Яҳё ибн Ҳорис аз-Зимморий (бир нусхада ад-Дамморий)[\[1\]](#) хабар берган. У эса:

«Мен Ибн Омирга ўқиб бердим», деган».

Абу Амр (ад-Доний) айтади:

«Мен Қуръоннинг ҳаммасини ушбу қироат билан Абдулазиз ибн Жаъфар ал-Форисий ал-Муқрийга ўқиб бердим. У менга айтганки:

«Мен Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ан-Наққошга ўқиб бердим. У айтганки: «Мен бу қироатни Абу Абдуллоҳ Ҳорун ибн Мусо ибн Шарик ал-Ахфашга ўқиб бердим. Ахфаш эса уни Абдуллоҳ ибн Заквондан ривоят қилган».

2) (Абдуллоҳ ибн Омир аш-Шомийдан) Ҳишом ривояти:

«Бизга уни Муҳаммад ибн Аҳмад хабар берган. У: «Ибн Мужоҳид хабар берган», деган. У айтганки: «Бизга Ҳасан ибн Абу Меҳрон ал-Жаммол хабар берган. У: «Аҳмад ибн Язид ал-Ҳулвоний хабар берган», деган. У: «Ҳишом ибн Аммор хабар берган. У Ирок ибн Холид ал-Миррий (бир нусхада ал-Музаний)[\[2\]](#) хабар берган», деган. У: «Яҳё ибн Ҳорис аз-Зимморийга ўқиб берганман», деган. У: «Абдуллоҳ ибн Омирга ўқиб берганман», деган».

Абу Амр (ад-Доний) айтади:

«Мен бу қироат билан Қуръоннинг ҳаммасини шайхимиз Абулфатҳга ўқиб бердим. У менга: «Бу қироат билан Абдуллоҳ ибн ал-Ҳусайнга ўқиб бердим», деган. У айтганки:

«Мен Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Абдонга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен ал-Ҳулвонийга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен Ҳишомга ўқиб берганман».

Бу тўртинчи сиймо Абдуллоҳ ибн Омир ад-Димашқий ат-Тобиъий бўлиб, Муғира ибн Абу Шиҳобга, у киши Усмон ибн Аффон ва Абу Дардо розияллоҳу анҳумга, улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ўқиб берганлар.

[\[1\]](#) Тўғриси аз-Зимморий.

[\[2\]](#) Баъзи нусхаларда ал-Музаний эмас, ал-Миззий келган.